



## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИХА-ЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

**Юнусова Севара Бахтиёр қизи** -  
ТМИ, «Баҳолаш иши ва инвестициялар»  
кафедраси доценти в.б., PhD

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a82](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a82)

**Аннотация.** Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, давлат-хусусий шериклик тизимини ташкил этиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тобора муҳим аҳамият касб этади. Мақолада давлат-хусусий шерикликнинг хорижий тажрибаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклик, давлат хариди, хусусийлаштириш, давлат-хусусий шериклик жараёнлари, инфратузилма.

## ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕАЛИЗАЦИИ ИНФРАСТРУКТУРНЫХ ПРОЕКТОВ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

**Юнусова Севара Бахтияровна** -  
PhD, И.о.доцента кафедры  
«Оценочное дело и инвестиции», ТФИ

**Аннотация.** Опыт развитых стран показывает, что в социально-экономическом развитии важную роль играет налаживание системы государственно-частного партнерства. В статье проводится анализ зарубежного опыта государственно-частного партнерства.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, государственные закупки, приватизация, процесс государственно-частного партнерства, инфраструктура.

## ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN THE IMPLEMENTATION OF INFRASTRUCTURE PROJECTS BASED ON PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP

**Yunusova Sevara Bakhtiyor kizi** -  
PhD, a.docent of the Department  
of "Valuation and Investments", TFI

**Annotation:** The experience of developed countries shows that the establishment of a public-private partnership system plays an increasing role in socio-economic development. The article analyzes the foreign experience of public-private partnership.

**Keywords:** public-private partnership, public procurement, privatization, process public-private partnership, infrastructure.

**Кириш.** Жаҳон амалиётида ДХШ воситалари хусусий компанияларни кенг қўламли ДХШ объектлари бўлган давлат инфратузилмасини узоқ муддатли молиялаштириш ва бошқариш мақсадида жалб этиш учун қўлланилади[1].

ДХШ қўлаб давлатларда турли хил муваффақиятлар билан ривожланмоқда. Ушбу концепция ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда, шунингдек, хусусий сектор ва давлат ўртасидаги самарали ўзаро муносабатларнинг яхши ташкил этилган анъаналарида кенг тарқалган. Аммо, умумий қарашларнинг ўхшашлигига қарамай, турли мамлакатларда ДХШни ташкил қилишда маълум фарқлар мавжуд. Масалан, инглиз-саксон мамлакатларида хусусий шерик танлаш масаласида уч хил танлов ўтказилади: қурилиш учун, лойиҳалаш учун ва бошқариш учун. Францияда аксинча, барча турдаги хизматлар ва ишлар учун ягона танлов ўтказилади. Баъзи Ғарбий Европа давлатларида

ДХШдан фойдаланиш амалиёти кўрсатадики, ушбу механизм бизнес ва давлат бир-бирини тўлдирувчи манфаатларга эга жойда қўлланилади, аммо шу билан бирга улар бир-биридан тўлиқ мустақил равишда ҳаракат қила олмайдилар.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Дунёда давлат-хусусий шериклигини биринчилардан бўлиб кенг тадқиқ қилган хорижлик олим Э.Р.Йескомбнинг фикрича, «ДХШ давлат сектори томонидан инфратузилма объектларини сотиб олишнинг (давлат харидлари) муқобил шакли бўлиб, давлат қарз маблағлари ёки солиқ тушумларидан молиялаштирилади»[2]. Хорижлик олим бу таърифда ДХШ асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутди.

Хорижлик олим, Буюк Британияда ДХШ маркази бошқарувчиси М.Б.Герард: «ДХШни – давлат ва хусусий сектор хўжаликлари доираси-

да, миллийлаштирилмаган ҳамда хусусийлаштирилмаган кўринишда ташкил қилиниши ва фаолият юритиши ҳақида айтиб ўтади. Сиёсий жиҳатдан ДХШ аҳолига жамоат хизматларини кўрсатишнинг янги учинчи усулини намоён қилади»[3], деб таъкидлайди Бу ерда олим давлат инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда давлат хариди ва хусусийлаштиришнинг учинчи усули сифатида ДХШ ни кўрсатади.

Д.Делмон эса, «ДХШ – кенг маънода ишлатилувчи ва давлат ҳамда хусусий тузилмалар ўртасидаги давлат буюртмалари ва харидларидан ташқари барча инфратузилма хизматларини кенгайтириш ёки яхшилаш билан боғлиқ исталган бир шартномавий ёки ҳуқуқий муносабатларни англатади» деб таъриф беради [4].

Давлат-хусусий шериклиги тушунчасининг моҳияти масаласидаги мунозаралар узоқ вақт давомида россиялик мутахассислар ўртасида ҳам кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Хусусан, В.А.Кабашкин «давлат-хусусий сектор ҳамкорлигида иқтисодиётнинг давлат сектори билан боғлиқ вазифаларни янада самарали бажариш, харажатларни қоплаш, рискларни тақсимлаш, мажбуриятларни тақсимлаш ва ҳоказоларни ҳал қилиш учун ҳамкорларни, биринчи навбатда хусусий ҳамкорлари жалб этиш жараёнини тушунишни»[5] таклиф қилса, В.Г.Варнавскийнинг фикрича, «давлат-хусусий шериклиги давлат ва хусусий мулкдорлар ўртасидаги давлат ва коммунал мулк объектлари, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий шаклга эга хизматлар соҳасидаги ҳамкорлик шаклидир»[6].

Илмий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимларнинг ДХШни ташкил этиш масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлари келтирилган. Хусусан, иқтисодчи олим К.А. Антонова «ДХШни – давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифоқ деб атаса, И.Э. Болехов «ДХШ – давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат» деб қайд этади[6].

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан Н.А.Юсупов, Ф.Э.Карабаев, Н.Н.Обломуродовлар фикрича: «ДХШ давлат томонидан ҳамда хусусий шерик томонидан анъанавий тизимдаги хизматларни кўрсатишнинг муқобил кўриниш-

дир. ДХШнинг тўғри ёндашувида, авваллари хусусий сектор томонидан маҳаллий, ҳудудий ёки халқаро даражада фойдаланмаган ресурсларни йўналтирилади»[7].

У.И.Джуманиязов фикрича, «Давлат-хусусий шериклиги – амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир»[8].


**Тадқиқот методологияси.** Давлат-хусусий шериклигининг хориж тажрибаси бўйича дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганиш, маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мантиқий фикрлаш сингари иқтисодий тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, давлат-хусусий шериклик муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш мамлакат ижтимоий инфратузилмаси яхшиланишида муҳим ўринга эга. Бу борада ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибаси ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан, десак муболаға бўлмайди. Чет давлатларида давлат-хусусий шериклик механизми узоқ вақтдан бери амалга оширилиб келинмоқда ва доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.


Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам ўта зарур инфратузилма лойиҳаларига сарфлаши мумкин бўлган маблағлари чекланган, хусусий сектор капитали ва тажрибасини татбиқ қилиш орқали мамлакат йирик инфратузилма лойиҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириши ва шу билан бирга бизнес муҳити ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилаши мумкин. Бюджет маблағлари тақчиллиги шароитида давлат органлари инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш имконини берувчи янги манбаларни излашга уринадилар. Бугунги кунда бундай муаммоларни ҳал қилувчи омил сифатида давлат-хусусий шериклик тамойилларига асосланган лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

### Дунё мамлакатларининг даромадлилик даражасига кўра макроиктисодий таҳлил

- Инфратузилмага хусусий инвестициялар ( ИИ нисбатан %)
- Инфратузилмага инвестициялар (ЯИМ нисбатан трлн. АҚШ доллари)
- ЯИМ (трлн. АҚШ доллари)



### Дунё мамлакатларининг даромадлилик даражасига кўра макроиктисодий таҳлил



### Давлатларнинг даромадлилик даражасига кўра инфратузилмага хусусий инвестициялар миқдори (млрд. АҚШ доллари)



1-расм. 2020 йилда дунё давлатларининг даромадлилик даражасига кўра макроиктисодий таҳлили[9]

Куйидаги 1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, юқори даромадли мамлакатларда инфратузилмага инвестициялар ЯИП ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида 2,7 фоизни ташкил қилса, инфратузилмага инвестициялар таркибида инфратузилмага хусусий инвестициялар 5,6 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, инфратузилманинг сифати 100 баллдан 84 балл билан баҳоланган. Бу дунё давлатлари ичида ўша давр учун энг юқори кўрсаткичдир.


Даромади ўртачадан юқори мамлакатларда эса инфратузилмага инвестициялар ЯИМ таркибида 3,6 фоизни ташкил қилса, инфратузилмага инвестициялар таркибида инфратузилмага хусусий инвестициялар 3 фоизни ташкил қилган. Инфратузилманинг сифати 100 баллдан 69 балл билан баҳоланган. Ўртачадан паст даромадли мамлакатларда инфратузилмага инвестициялар ЯИМ таркибида 5,4 фоизни ташкил қилса, инфратузилмага инвестициялар таркибида инфратузилмага хусусий инвестициялар 3,9 фоизни ташкил қилган. Инфратузилманинг сифати 100 баллдан 57,4 балл билан баҳоланган. Паст даромадли мамлакатларда инфратузилмага инвестициялар ЯИМ таркибида 10,1 фоизни ташкил қилса, инфратузилмага инвестициялар таркибида инфратузилмага хусусий инвестициялар 2,3 фоизни ташкил қилган. Инфратузилманинг сифати 100 баллдан 41,4 балл билан баҳоланган. Сўнгги йилларда пандемия ва бир қатор табиий офатларга қарши олиб борилаётган кураш туфайли, инсон ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, атроф-муҳит ҳолати барқарорлиги ва сифатига боғлиқ бўлган, табиий ҳодисаларга чидамли, юқори сифатли инфратузилма объектларини яратиш долзарб вазифага айланди.

Бугунги кунда кўп сонли аҳоли қатламига

эга бўлган Хитой Халқ Республикаси сўнгги бир нечта ўн йилликларда иқтисодий-ижтимоий соҳада эришган ютуқлари билан дунё лидерлари қаторидан ўрин олмоқда. Мамлакатга инвестицияларни жалб этишда қулай ва жозибадор инфратузилмани яратишга муваффақ бўлинмоқда. Шунингдек, инфратузилмани ривожлантиришда ДХШ механизмидан фойдаланиш бўйича ҳам тажрибага эга мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Илгари Хитойда социалистик режали иқтисодиёт тизими мавжуд эди, албатта, барча корхоналар халқ ҳукуматига тегишли бўлган. Сўнгги йигирма йиллар давомида Хитойда иқтисодий соҳада сезиларли ўзгаришлар амалга ошириди: режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига, анъанавий аграр соҳадан саноат иқтисодиётига ўтди. Хитой ҳозир жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг муҳим иштирокчиси ҳисобланади. 1980 йилларнинг бошларида Хитойнинг баъзи йирик шаҳарларида бозор иқтисодиётига хос бўлган рақобат вужудга кела бошлади, 1980 йилларнинг охири ва 1990 йилларнинг бошларида Хитойнинг аксарият шаҳарларида инфратузилма ва хизматларни кўрсатишда иштирок этиш учун хусусий шерикларни жалб этиш имконияти пайдо бўлди ва хусусий компаниялар тобора кўпайиб борди.

Кейинги ўн йил ичида хусусий сектор томонидан давлат объектларини кенг миқёсда таъминлаш ва давлат хизматларини кўрсатиш учун реал имкониятлар яратилди, 2000 йилга келиб аксарият шаҳарларда ушбу турдаги ҳамкорликнинг самарали механизмлари жорий этилди. Бироқ ушбу механизм бошиданок бир қанча муаммоларга дуч келди.



2-расм. 1990-2021 йилларда Хитойда ДХШ асосида электр энергияси соҳасида яратилган лойиҳалар сони ва қиймати[10]

Бунинг сабабларидан бири, давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорлик Хитой учун янги йўналиш эканлиги, ДХШ доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишнинг турли тижорат, техник, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлари бўйича тегишли тажрибанинг йўқлиги, ҳатто ушбу фаолият соҳасида ўзларининг катта тажрибаларига эга хорижий инвесторлар ҳам Хитой қонунчилигининг барча нозикликлари ва ДХШни амалга ошириш амалиётини дарҳол англай олмасликлари бўлса, иккинчиси эса ДХШ институтидан фойдаланишнинг мақсадларидан бири бозор иқтисодиётининг энг муҳим механизмларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш орқали, арзон нархларда хизматлар сифатини оширишга эмас, аксинча ДХШда хусусий шерикни фақат молиялаштирувчи сифатида қисқа муддатга жалб этгани ҳам таъсир қилган.

Шундай қилиб, хусусий шерикларнинг нархларни асосиз равишда оширганлари натижасида мамлакатда объектлар ва хизматлардан фойдаланиш нархларининг кўтарилиб кетиш вазиятлари вужудга келди.


Хитойда 1990 йиллардан 2021 йилга қадар ДХШ асосидаги энг қиммат лойиҳалар йўл соҳасидаги лойиҳалар бўлиб, шу давр ичида жами қиймати 79 735 млрд.АҚШ долларига тенг 276 та лойиҳа мавжуд. Ундан кейинги ўринда эса 49 120 млрд.АҚШ доллари билан 433 та электр энергияси соҳаси лойиҳалари ҳисобланади. Хитойда шу 30 йиллик муддат ичида энг кўп лойиҳалар сув ва канализация тармоғида амалга оширилган бўлиб, лойиҳалар сони 628 тани ташкил қилади.

Жаҳон иқтисодчи олимлари, Хитойда ДХШ механизмига оид ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтадилар. Бироқ, шунга қарамасдан, бугунги кунда Хитойда ДХШ

бўйича махсус ташкилот фаолият юритади ва ҳар чоракда мамлакатда ДХШ фаолияти бўйича ҳисоботини эълон қилади. Ушбу ҳисобот маълумотларига кўра, Хитойда 2020 йилнинг биринчи ярмида лойиҳалар 381,9 млрд.юан билан 186 тага кўпайган. Лекин, 2019 йилнинг биринчи ярмига қараганда 19 фоизга, яъни 89,5 млрд.юанга камайган. 2014 йилдан 2020 йилнинг июнь ойигача жами 14,8 трлн. юан бўлган 9626 та лойиҳа рўйхатга олинган. Бундай лойиҳалардан жами 10,3 трлн.юанга тенг бўлган 6546 таси тижорий тугаллангандир.

Хитой Бош вазирининг ўринбосари Лю Хе Хитойнинг саноатни ривожлантиришга оид конференциядаги ёзма нутқида Президент Си Цзинпин янги авлод ахборот инфратузилмасини яратишга катта аҳамият бераётганини, рақамли ва реал иқтисодиётнинг биргаликда ривожланишига кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади. China International Digital Economy Expo 2021 кўргазмасида Лю Хе инфратузилмани ривожлантиришни тезлаштириш кераклигини, инфратузилма иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асоси эканлигини ҳисобга олиб, янги инфратузилма қурилишини жадаллаштириш, ҳозирги иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиغان ва узоқ муддатли ривожланиш учун мустаҳкам асос яратадиган муҳим чораларадан бири эканлигини айтди. Шунингдек, яхлит, самарали, амалий, ақли, экологик, хавфсиз ва ишончли бўладиган замонавий инфратузилма тизимини яратишни таклиф қилди[12].

Кўпгина мутахассисларнинг фикрича, Хитойда кўп йиллик тажриба асосида ДХШ ривожланишнинг янги bosқичига ўтди. Хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг ўзига хос хусусиятлари, янги инфратузилмани ривожлантириш учун ДХШ муҳим омиллардан ҳисобланади.



3-расм. 1990-2021 йилларда Ҳиндистонда ДХШ асосида электр энергияси соҳасида яратилган лойиҳалар сони ва қиймати[14]

Ҳиндистон ҳам инфратузилма лойиҳаларини ДХШ асосида амалга ошириш бўйича ўзига ҳос тажрибасига эга. Ҳиндистонда ушбу механизм бошланганига ҳам 20 йилдан ошган бўлсада, Молия вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатни юқори сифатли иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун мамлакат йиллик ЯИМнинг 8 фоизини инфратузилмага инвестициялар сифатида сарфлаши керак. Шу сабабли, узоқ муддатли режаларда инфратузилмага сармоя киритишнинг энг истиқболли механизмларидан бири ДХШ ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳозирги кунда Ҳиндистонда ДХШ амалиёти деярли барча инфратузилма соҳаларида қўлланилмоқда[13].

Ҳиндистонда 1990 йилдан 2021 йилгача ДХШ асосида қиймати 268 465 млрд.АҚШ долларига тенг 1 084 та лойиҳалар амалга оширилган. Қиймати бўйича энг юқори лойиҳалар электр энергияси соҳасида амалга оширилган бўлса, лойиҳалар сони жиҳатидан йўл соҳаси етакчилик қилади.

Ҳиндистоннинг лойиҳаларни, айниқса ДХШ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тажрибаси кўпгина мамлакатларга намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Ҳиндистон тажрибасидан фойдаланишнинг самараси бўйича бир нечта фактлар мавжуд:

1. 1990 йилдан бери Ҳиндистонда 750 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди, улардан фақатгина 6 тадан камроғи муваффақиятсиз туғади (1 фоиздан ҳам кам).

2. Ҳиндистоннинг ривожланиш даражаси бугунги кунда ДХШни ривожлантираётган мамлакатлар билан ўхшашдир.

3. Ҳиндистонда ривожланаётган мамла-

катлар қўллаши мумкин бўлган ДХШни қўллаб-қувватлаш механизмлари жуда яхши ишлаб чиқилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, МДХ давлатларида сўнгги 10 йил мобайнида давлат-хусусий шериклик механизмлари инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишда кенг қўламда жорий этилмоқда. Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда давлат-хусусий шерикликнинг турли моделлари энергетика, транспорт ва ижтимоий инфратузилма соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда маълум тажриба тўпланди.

Давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллашга кўмаклашиш мақсадида Россия ва Қозоғистонда махсус ДХШ марказлари ташкил этилган бўлиб, манфаатдор томонларга маслаҳатлар кўрсатиш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳалар базасини шакллантириш ва ўқув курслари ташкил этиш билан шуғулланади[15].

Ўзбекистонда ДХШни амалга оширишни ва молиялаштиришни янада ривожлантириш учун хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда ДХШ лойиҳалари самарадорлигини баҳоловчи норматив ҳуқуқий ҳужжат ёки методик қўлланма ишлаб чиқилиши зарур. Шунда лойиҳаларнинг сифат ва нарх самарадорлигини тўғри таҳлил қилиш, лойиҳа рискларини аниқлаш ва уларни минималлаштириш, давлат шеригига ҳам хусусий шерикка ҳам лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини (ДТИА, ТИА) тайёрлашда консалтинг ташкилотлари харажатларининг камайишига олиб келади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Агазарян Н.В. Анализ мирового опыта применения механизма государственно-частного партнерства. // Государственно-частное партнерство, 2016. Т. 3. № 2. – С. 151–172. doi: 10.18334/ppp.3.2.37071
2. Государственно-частное партнерство: основные принципы инвестирования / Э. Р. Йескомб; Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2015. – 457 с. С. 24
3. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? // Finance & Development. 2001. Vol.38. № 3.P.107
4. Дж. Делмон. Государственно-частное партнерство в инфраструктуре практическое руководство для органов государственной власти. 2010 г. 1-2 с.
5. Кабашкин В. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие. – М.: Изд-во: Издательский дом «Дело» РАНХиГС. – 2014. – 124 с.
6. Варнаровский В.Г. и др. Государственно-частное партнерство: теория и практика. – М.: Изд. дом Гос. ун-та – Высшей школы экономики, 2010. – 287 с.
7. Юсупов Н.А., Карабаев Ф.Э., Обломуродов Н.Н. “Теория и практика государственно-частного партнерства” учебный модуль. – Ташкент, 2013. С.6
8. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/32\\_U\\_Djumaniyazov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/32_U_Djumaniyazov.pdf) 9 - бем.
9. [https://infracompass.github.org/ind\\_country\\_profile/](https://infracompass.github.org/ind_country_profile/)
10. <https://ppi.worldbank.org/en/visualization#sector=Electricity&status=&ppi=&investment=&region=&ida=&income=&ppp=PPP&mb=&year=&excel=false&map=CN&header=true>
11. <http://www.cpppc.org/en/djyw/999316.jhtml>
12. <http://www.cpppc.org/en/szyw/999351.jhtml>
13. Гафурова Г.Т. Опыт Индии в поддержке и развитии государственно-частного партнерства // Актуальные проблемы экономики и права. – 2013. – № 3(27). – С. 52–57.
14. <https://ppi.worldbank.org/en/visualization#sector=Electricity&status=&ppi=&investment=&region=&ida=&income=&ppp=PPP&mb=&year=&excel=false&map=IN&header=true>
15. Обломуродов Н.Н. “Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш” “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил, 4-бем
16. Юнусова, С. (2022). СУЩНОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В РЕАЛИЗАЦИИ ИНФРАСТРУКТУРНЫХ ПРОЕКТОВ. Iqtisodiyot Va ta'lim, 23(1), 17–22. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/343>